Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 99 (6595).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН АФҒОНИСТОН ИСЛОМ ДАВЛАТИ ФУҚАРОЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республикамиз ўқув юртларида таълим олаётган Афғонистон Ислом давлати фуқаролари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда икки давлат раҳбарларининг расмий учрашув якунларига амал қилган ҳолда таълим соҳасида давлатлараро дўстона муносабатларни қарор топтириш, хусусан, Афғонистон Ислом давлатига миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш лозимлиги таъкидланган.

Афғонистон Ислом давлатининг Ўзбекистон ўқув юртларида шартномасиз таълим олаётган ўқувчиларини 1992 — 1993 ўқув йили охирига қадар, етим ўқувчиларни эса муайян касбни эгаллашга қадар текин ўқитишга рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, халқ таълими вазирликлари, тегишли ўқув юртларида Афғонистон Ислом давлатидан келган ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш чораларини кўришлари керак.

Ҳунар-техника билим юртида ва интернат мактабда таълим олаётган афғонистонлик етим болаларнинг ўқиши ва яшаши учун сарфланадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган етим болалар учун белгиланган миқдорга тенглаштирилади.

Тошкентдаги 131-мактабда юқори синф лар билан турли хилдаги тадбирлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилади.

Маҳфуза Муротбекова бошчилигида «Ўзбекистон — Ватаним менинг» мавзусидаги ўқувчилар тайёрлаган альбом ҳам ана шулар жумласидандир.

А. ЧАПЛИГИНА тасвирга олган.

БИР КУНЛИК ИШ ҲАҚИ

Жумҳуриятимизда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти ўн кунлиги бошланди. Халқимизнинг мурувватпешалик, саховат ва ҳиммат каби олижаноб фазилатларига умид қилган жамият ўнкунликда тушган хайрия маблағларини ногиронлар ва қаровсиз қолган қариялар эҳтиёжларига, тиббиёт ҳамширалари моддий аҳволини яхшилашга сарф этиш ниятида.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги хизматчилари бир кунлик иш ҳақларини жамият ҳисобига ўтказишга қарор қилишди.

МУЛОҚОТ

Таълимдаги йирик марказлашув инқирозга юз тутиб, ҳар бир миллат маорифи ўзича ривожланишга ўтган шу кунларда бўлиб ўтаётган йиғинлар ва мулоқотлар айнан ўша ўтиш даври муаммоларини ўз мавзуси этиб танлаши табиий ҳол.

«Ўзбекистон республикаси Таълим тўғрисидаги қонунининг бажарилиши» мавзусида Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган вилоят мактаблари директорлари ҳамда педагогика фани мутахассислари ўртасидаги мулоқот ҳам айнан шу руҳда кечди. Берилган саволлардан дарсликлар, ўқув дастурлари, кўргазмали қуроллар ва шу каби бир қатор масалаларнинг биринчи галда ҳал этилиши лозимлиги маълум бўлди.

Мулоқотда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти директори Қ. Фозилхўжаев, институтнинг ўрта таълим мазмуни бўлими мудири Ф. Мусаев, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. Тожиев, вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институти ходимлари О. Кенгашев, Ш. Хошимовлар қатнашишди.

Шунингдек, «Маърифат» рўзномасининг мактаблар бўлими ходими А. Раҳимов халқ таълимига оид янгиликлар, жойлардаги илғор тажрибаларни ёритишга боғлиқ масалалар юзасидан иштирокчилардан тушган саволларга жавоб берди.

Мухбиримиз.

ДАРС ДЕГАНИ ШУНДАЙ БЎЛСА!

Андижон шаҳридаги 33-ўрта мактабда эски ўзбек тилини ўргатиш бўйича муайян тажрибалар тўпланди. Бу ерда ёзувни ўрганиш жараёнида янги илмий-услубий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бошланғич синфларда бу фанни ўтишда дарсларнинг ижодий бўлишига, кўргазмалилигига, таълим-тарбиявий характерига аҳамият берилаётир. Ўқитувчи бу ўринда миллий-адабий мерос намуналаридан, одоб-ахлоққа оид ҳикоятлардан, ҳадислардан, халқ мақолларидан, бадиий асарлардаги сўз ўйинларидан усталик билан фойдаланаяпти. Бу эса ўқувчиларни эски ўзбек ёзувини пухта ўзлаштириб олишига имкон бермоқда.

Яқинда мактаб ўқитувчиси Ғанишер Қосимов жумҳурият миқёсида очиқ дарс ўтказди. Унда вилоят мактабларидаги тажрибали ўқитувчилар, вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари иштирок этдилар.

— Ғанишер Қосимов эски ўзбек тилидан чинакамига намунали дарс ўтди. Дарснинг таълимий жиҳатлари ҳам, кўргазмалилиги ҳам, тарбиявий йўналиши ҳам диққатга сазовордир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутахассиси З. Султонова. — Бундай очиқ дарсларни тез-тез ўтказиб туриш яхши тажрибаларни оммалаштиришнинг муҳим омилидир.

Ш. КЕЛДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Маърифат янгиликлари

ШАРҚОНА ОДАТНИ САҚЛАНГ!

Низомий номли Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг юқори курс талабалари халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Ориповнинг дарс сабоқларини тинглашмоқда. Ёш домлалар, аспирант ва қизиққан ўртоқлар билан тўла залда жаҳон халқлари адабиёти, ўзбек адабиёти ва туркий тилларнинг узвийлиги ҳақидаги маърузалар самимий суҳбатга айланмоқда.

— Моддий ва иқтисодий қийинчиликларимиз ўткинчи, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Аммо маънавий қашшоқликнинг ўрнини тўлдириш қийин. Умр чопаётган экан, менинг назаримда талабаларимизга маънавий ва руҳий озуқа бериш учун эндиликда тажрибаларимизни аямаслигимиз керак. Менинг махсус курс ўқиётганимнинг маълум маънода ҳам савобли, ҳам ибратли жиҳатлари бор. Бир вақтлар бу аудиторияларда севимли устозим, забардаст олим Мақсуд Шайхзода ҳам дарс берган. Зора, биз ҳам у кишининг чироғини ёқа олсак!

Ҳар ҳафтанинг жума куни, соат 13.30 да бошланиб, қариб икки соатга айланиб кетадиган дарсда берилган теран саволлар бугунги талабанинг билим даражаси юқорилигидан далолат беришини қалбдан ҳис қилган шоир «Дастурлар йўқ шароитда биз нималарга таяниб дарс ўтайлик?», — деган ҳақли саволга шундай жавоб берди:

— Ҳар бир ижодкор қайсидир маънода ўз даврининг фарзандидир. Ғафур Ғуломга ёки Ойбекка ёндашиб фикрингизни тўлдирасизми, Абдулла Қодирий-у Усмон Носир қарашларини ифода қиласизми, ҳар қандай ҳолда ҳам ягона ўтинчим, шахсий илтимосим — шарқона одатни сақланглар. Чунки биз ана шундагина ўзлигимизни йўқотмаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МУШТАРИЙЛАР: МАЪҚУЛЛАЙМИЗ ВА ТАКЛИФ КИРИТАМИЗ

Кейинги йилларда мустақил Республикамизда эл оғзига тушган катта ва оламшумул воқеликлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг янги таҳрирдаги лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилиши бўлди. Бу муҳим оламшумул аҳамиятга молик ҳужжат матбуотда эълон қилиниши биланоқ ҳаммаҳамманинг эътиборини тортди. Чунки у элнинг манфаати, мамлакат келажаги, авлодлар турмуш тарзи ва тақдири, ҳақ ва ҳуқуқларини жамулжам қилган қомусдир. Шунинг учун ҳам бу Асосий Қонунга «Мустақиллик кафолати», «Демократик жамиятнинг чинакам қомуси», «Ўзбекистон истиқболининг кўзгуси» деб таъриф бермоқда, каттаю-кичик фахр билан.

Бутун Республикамиз аҳоли қатламлари ўртасида бўлганидек, Ўзбекистон халқ таълими тизими тармоқларида ҳам педагогик жамоалар, олимлар, талабалар, ҳаттоки ўқувчилар давраларида ҳам Конституция лойиҳаси қизғин муҳокама қилиниб, маъқулланмоқда ва айрим таклиф-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жумҳуриятимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан таҳририятимизга ҳар куни келиб турган ана шу мавзудаги кўплаб мактублар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

«Ўз миллий истиқлолининг таг-заминини мустаҳкамлаш ва ёрқин келажакни орзулаб шаҳдам одим ташлаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг фуқаролари Асосий Қонунимизнинг ҳомаки устқурмасини кенг кўламда муҳокама қилмоқдалар, — деб ёзади Қарши шаҳар халқ таълими методика кабинети мудири Х. Жўраев. —Шаҳримиз халқ таълими бўлимига қарашли таълим-тарбия масканларининг кўп минг кишилик маорифчилари Конституция лойиҳасини манфаатдорлик билан ўрганиб, йиғилишларда таклиф-истакларини билдираётирлар. Бу ҳужжат ўз мазмун ва моҳияти билан демократик принципларга асосланган жамиятнинг бош қомуси бўлиб қолади, албатта».

«Лойиҳаси муҳокамага тақдим этилган Конституция Республикамиз мустақиллигининг мевасиди ва уни таъминлаш ва мустаҳкамлаш воситасидир, — деб таъкидлайди фарғоналик муаллим Султон Йўлдошев. — Лойиҳани тузишга ижодий ёндашилганлиги унинг шаклида ҳам, мазмунида ҳам ўз ифодасини топган. Лойиҳа муаллифлари якин ўтмишнинг аччиқ сабоқларини ҳисобга олганлар... Мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлган ушбу Конституциянинг аҳамияти етарлича қадрланишга арзийди».

Мактубларнинг деярли ҳаммасида муаллифлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини маъқуллаб, у демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқлар тинчлиги ва миллий дўстлик анъаналари талабларидан келиб чиққанлиги билан янада қимматли эканлигини кўрсатиб ўтадилар. Шу билан биргаликда Қомус моддаларининг янада мукаммал ва аниқ бўлиши нуқтаи назаридан ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам баён этишади.

Фарғона вилояти Учкўприк районидаги 5-ўрта мактабнинг олий тоифадаги ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Толибжон Раззоқов лойиҳада мустақил Ўзбекистоннинг ҳаёт ришталари уфуриб турганлигини, унинг улуғ истиқбол йўли белгилаб берилганлигини таъкидлаш билан биргаликда айрим моддаларда ортиқча қайдлар мавжуд эканлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Хусусан, Лойиҳанинг дастлабки эълон қилинган вариантида «15-моддада **«Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган нормалари устунлигини тан олади»** деган фикр 17-моддада **«...халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига амал қилади»** тарзида; 19-моддадаги **«Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир»**, деган фикр 22-моддада **«Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди»** тарзида такрорланади», дейилади мактубда.

Лойиҳанинг янги таҳрирдаги вариантида бундай камчиликларнинг аксарияти тузатилган.

Хатларнинг муаллифлари Конституция лойиҳасига мулоҳазалар, аниқ таклифлар ҳам билдиришган. Самарқанд вилояти Жомбой районидаги 20-ўрта мактаб тарих муаллими, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи У. Оқилов, Сурхондарё вилояти Ангор районидаги 2-мактаб директори Т. Зиёқулов, Деҳқонобод районидаги 2-мактаб директори Ж. Амирқулов, Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлимининг инспектори А. Розиқов, ангорлик ўқитувчи Эшбой Холмўминов ва бошқаларнинг хатларида бир қатор жўяли таклифлар келтирилган. Улар қуйидагилардир: 11-моддага: **«...Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахснинг таъсир ва тазйиқ ўтказиши тақиқланади»**, деган қўшимча киритилса;

Мактаб ва маорифга алоҳида боб ажратиш ва уч-тўрт моддадан иборат қилиб тузиш лозим. Унинг 1-бандида мактаб кадрлар тайёрлашнинг ва давлат ривожланишининг асосий негизи эканлиги, 2-бандида мактаб ва маориф тизимлари (давлат мактаби, шахсий мактаб ва бошқалар) кўрсатилиши, 3-бандида мактабларга жамоалар ва ҳомийлик қилувчи ташкилотларнинг моддий ёрдами мажбурийлиги белгиланса, 4-моддада эса айнан лойиҳадаги 41-модда келтирилса;

41-модда **«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Ҳамма турдаги мактаблар, олий ва махсус ўқув юртлари ишлари давлат назоратидадир»**, — деган жумла билан тўлдирилса».

Шунингдек, Т. Раззоқовнинг мактубида шундай мулоҳаза ҳам бор:

«91-моддадаги Президент қасамёдини янада мукаммал қилиш лозим. Жаҳон тарихида шоҳлар, президентлар ўз халқига, Ватанига хиёнат қилишлари бўлган. Биз оддий аскар йигитга қасамёд қилдирганда, у Ватан, халқи учун керак бўлса танини беришга тайёр эканлигини айтдирамиз. Бутун бир мустақил давлатни бошқараётган Президентнинг қасамёдида нима учун бу акс этмаслиги керак?!

Агар қасамёдда жонфидолик акс этса, Президентга халқ орасида ишонч янада ортади».

Мактубларда Конституция лойиҳасига ҳурмат ва эътибор, ишонч тўлиқ акс этганлиги мустақил Ўзбекистон истиқболига бутун эл катта умид билан қараётганлигидан, унинг садоқатидан далолатдир. Демакки, давлатимизнинг бу чинакам Қомуси Ўзбекистон Республикаси равнақига, унинг халқига хизмат қилади.





ДИНШУНОСЛИК ДАСТУРИ

«Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динига амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлғон ва риёкорликдан покланишга юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда», деган эди жумҳуриятимиз президенти И. Каримов.

Биз нимани билмасак, ўша — бегона, деганларидек, диний тушунчаларимиз қарама-қаршиликларга тўла шароитда ривожланиб келди. Бугунги кунда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришларнинг кун сайин авж олиши билмаганларимизни билишга ундамоқда. Халқ таълими вазирлигимизнинг ўқув методика маркази «Диншунослик асослари курси дастури» ва «Диншунослик асослари»дан тестлар тўпламини тайёрлаб 20 минг нусхада чоп этганлиги одамлар онгидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга имкон яратади. Янги ўқув йилидан бошлаб 7—8-синфларда факультатив, 9-синфларда эса 34 соатлик умумий тарих курсидан диншунослик асосларининг ўқитила бошлангани ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади, — деб ўйлаймиз.

НОДИРАНИ ЁД ЭТИБ

Куни кеча Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида Нодирабегим таваллуд топган кунинг 200 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт директори, профессор Қодир Фозилхўжаев очиб Нодира, унинг тарихдаги ўрни ва маданиятимиз солномасидаги ҳиссаси ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Шундан сўнг Нодирабегимнинг ҳаёти ва ижодига доир бир қанча маърузалар тингланди.

Б. ЯРАШЕВ.

Мулоҳаза

ЯНГИ СЎЗЛАР ВА ЭҲТИЁЖ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳаётимизда катта тарихий иш бўлди. Ана шу қутлуғ воқеадан буён тилимиз, миллийлигимиз софлигини таъминлаш йўлида баҳслар, мунозаралар бўлмоқда. Натижа эса ёмонга ўхшамайди. Тилимизда аввал ишлатилиб, кейинчалик эса унутилиб кетилган баъзи сўзларимиз қайта тикланди. Масалан, ҳудуд, фоиз, байналмилал, муҳр, муҳаррир, талаба каби кўплаб сўзлар ўз ўрнида ишлатила бошланганлиги қувончли ҳолдир. Бироқ бу ишда турли чалкашликларга, ғализлик ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Тил жуда нозик ва муҳим аҳамиятга эгадир. Уни «ура-ура»чилик билан, бир сўз ўрнига бошқа сўзни мажбуран алмаштириб қўйиш йўли билан ўзгартириб бўлмайди. Айни вақтда матбуот, радио-телевидение билан жонли сўзлашув ўртасида сунъий тўсиқлар, тафовутлар бўлаётир. Кимларнингдир енгил-елпи «ташаббуси» билан зўрма-зўраки ҳолатда киритилаётган баъзи сўзлар тилимизни ғализлаштириб қўяётганга ўхшайди.

Ваҳоланки, тилшуносликда: «Четдан янги кириб келаётган сўзларга эҳтиёж сезилмаса ёки таржимада қийинчилик туғдирса, уни ўз ҳолида таржимасиз қабул қилиш мумкин», дейилган. Шу қоидадан келиб чиқиб 3 мингдан кўпроқ туркий сўзларимиз рус тили луғатидан жой олгандир. Ҳандалак сўзимиз АҚШда ҳам ҳандалак деб, палов сўзимиз кўплаб европа мамлакатларида ҳам палов деб ишлатилиб келинмоқда.

Тилимиздаги сўзлар чегара билмайди ва улар бир-бирига таъсир қилиб, бир-бири билан бойиб боради. Дунёда фақат ўз сўзидан тузилган бирорта тил йўқдир. Энг соф тил ҳисобланган араб тилларида ҳам маълум миқдорда европа ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларнинг тилларидаги сўзлар, айниқса фанга, техникага оид сўзлар ишлатилмоқда. Бизда эса баъзан унинг акси бўлиб қолаяпти. Масалан, бизнинг республикамизда ҳам районлар ташкил қилингач, район сўзини ўз ҳолича район деб қабул қилган ва район деб ишлатаётган эдик. Бугунги кунда ҳам юқорида айтилган тил қонуниятига асосан биржа, брокер, лицей, фирма, менежер каби кўплаб сўзларни ишлатмоқдамиз. Бунинг ҳеч қандай айби йўқдир. Мисол учун, район сўзини ноҳия деб ўзгартириш шарт эдими? Ноҳия дейилганда у, умуман, район маъносини билдирмасдан, балки мамлакат маъносини билдирар экан. З. М. Бобур, С. Айнийларнинг асарларида ишлатилган «туман» сўзини қайта тикланиши мақсадга мувофиқ бўлди.

Тарихдан бизга маълумки, дунёдаги эркпарвар халқлар республикага эга бўлишлари учун узоқ йиллар курашганлар. Республика — бирлашиб меҳнат қиламан, деган маънони билдириб, озодлик, мустақиллик, давлат маъноларини ифодаловчи рамзий сўздир. Шунинг учун ҳам республика сўзини ишлатаверишимиз маъқулдир.

Матбуотларда кейинги пайтларда, олийгоҳ, олий билимгоҳ деб ёзишмоқда. Бу бирикмалар институт сўзининг маъносини тўлиқ ифода этолмаслигини жонкуяр тилшунос олимларимиз таъкидлашмоқда. Лекин «ўзбекчалаштириш»га ружу қўйган айрим газета саҳифаларида ҳамон олийгоҳ деб ёзилмоқда.

Янги атамалар қаторидаги айрим сўзлар туркий элимизга алоқаси йўқ ёки айнан шу маънони ифода этолмайди. Шундай сўзлардан бири рўзнома атамасидир. «Рўзнома» кўнлик хат маъносидадир. Ахир, кўпгина газеталарнинг ҳафтада 2 ёки 3 марта чиқаётганлиги маълумку. Газетани «рўзнома» дейдиган бўлсак, нега журнални «моҳнома» демаяпмиз?! Газета халқаро байналмилал сўз бўлиб, тилимизда 130 йилдан буён ишлатилиб, ўз сўзимиз бўлиб кетган эди. Менимча, газетани шундайлигича ҳукумат комиссияси тасдиқлагандек атаганимиз маъқул.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирги пайтда республикамизда қандай ёзув имлосига ўтиш муаммо бўлиб турибди. Ҳозирги пайтда дунёнинг 70 фоизга яқин мамлакатларида лотин имлоси асосида иш олиб борилмоқда. Савдо-сотиқ ишлари, товар ёрлиқлари, ҳужжатлар лотин ёзувида ифода этилмоқда. Назаримда, тезроқ халқаро майдонга чиқиш учун лотин ёзуви имлосини қабул қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу билан биргаликда эски ўзбек ёзуви яъни араб имлосини ҳам ўрганишимиз керак.

Мамасоат УМАРОВ,
Сурхондарё вилояти Шўрчи районидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БИЛИМЛАР СИНОВИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳридаги 109-ўрта мактабда барча ўқув фанлари бўйича тадбирлар маълум режа асосида, узлуксиз равишда олиб борилади. Мазкур билим даргоҳида яқинда 11-синф ўқувчилари учун киритилган янги «Геоэкология» курсидан викторина ўтказилди. Бунда иштирок этган талабалар курс бўйича қисқа вақтда эгаллаган билимларини атрофлича ва моҳирлик билан намойиш қила олдилар.

Шунингдек, мактабда жуғрофия ва табиат ойлигига бағишлаб тарих ва жуғрофия ўқув фанлари бўйича «Билимдонлар» кўриги ҳам муваффақиятли ўтказилди. «Сарбон», «Турон» жамоаларига бўлинган ўқувчилар билими бунда олтита мусобақа асосида, тест саволларига жавоб бериш жараёнида синаб кўрилди. Кўрикда бир қатор олимлар иштирок этдилар. Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ўғил-қизларнинг маълум фанлар бўйича билимларини бойитиш ҳамда уларни она-юрт — Ўзбекистонимизни, ўз табиатимизни севишга ўргатиш кабилардан иборат.

А. ҲАЙДАРОВ.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ

Тарақлаб кетган нарса Турдимат аканинг хаёлини бўлиб юборди. Ўрнидан туриб овоз келган томонга қулоқ тутди.

— Ҳақ, таълим берган...

Тўйдан қайтаётган болалар қўшнининг дарвозасига тош отишди, шекилли, қўшнининг куйинган овози баралла эшитилди.

Турдимат ака мактаб тарафга қараб кетди. Ҳаммаёқ сув сепгандек. Қоровул кун бўйи чарчаган кўринади, ҳатто раҳбарининг келганини ҳам сезмади.

Усмирлар кечагина ўтказилган янги ниҳолларни синдиришибди, экилган баъзи бир сабзавотларни пайҳон қилишибди.

У анча ўйланди, эртаси куни ота-оналар мажлисини чақирди. Улар билан ўқувчиларнинг бўш вақтини ўтказиш учун меҳнат бригадаси ташкил қилиш ҳақидаги фикрини ўртага ташлаганида, ота-оналар хурсандчилик билан рози бўлишди.

Кунлар ўтди. Бригада аъзолари ва уларга бошлиқ тайинланди. Улар илк меҳнатларини болалар боғчаси қурилишига сарфлашди. Укажонлари учун 50 ўринли боғча қуриб беришди. Колхоз аъзолари, қолаверса, Турдимат аканинг ўша кунги хурсандчиликларини гапирмаса ҳам бўлади. Кейинчалик мактабда ошхона қуришди.

Мактаб маблағига маблағ қўшила борди. Шундан фойдаланиб улар илм даргоҳи ҳовлисида боғ барпо қилишди.

Кунлардан бир куни район раҳбарларидан бири колхозда «Кундалик эҳтиёж моллари» магазини қуришда бригаданинг ёрдами кераклигини айтиб қолди. Ўқувчилар тез кунда ишга киришиб кетдилар. Бу борада у савдо раҳбарлари билан ўқувчиларнинг 5—6 нафарини магазинчилар тайёрлаш билим юртига ўқишга кириши учун йўлланмалар кераклиги ҳақида маслаҳатлашиб олди.

Хуллас, бригада аъзоларидан 6 нафари билим юрти толиблари бўлишди. Уларнинг ҳужжат топширишидан тортиб кириш имтиҳонларигача директор раҳнамолик қилиб турди.

Бора-бора мактабда олдингидек безориликлар, бировларнинг ҳаловатини бузишлар камайди. Бригада аста-секин ўқувчиларни ўз бағрига торта бошлади.

Азиз муштарий, энди сизда қаҳрамонимиз билан яқинроқ танишиш истаги туғилган бўлса, ажаб эмас. Келинг, у билан яқинроқ танишайлик.

Отаси урушда ҳалок бўлиб, онаси қўлида ўсган Турдимат ҳулқи, одоби, айниқса, камтаринлиги билан синфдошларидан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга битирди. Лекин... Замоннинг зайли билан 4 йил колхозда ишлади. Барча қийинчиликларни онаси билан баҳам кўрди. Ва чора, инсон борига кўникиб кетаверар экан. Ўғлининг билими зое кетаётганидан хавотирланаётган онаизор унинг ўқимишли, етук киши бўлишини истарди. Шундай бўлиб чиқди. У Фарғона педагогика институтига ўқишга кириб, уни имтиёзли тугатди. Йиллар кетидан йиллар қувиб ўтаверди. Эсида, ўша навқирон йигитлик кезлари институтда ишлаб юрган эди. Йўл азоби бир ёқда-ю, онасининг ёлғизлиги бир бўлиб, шаҳарга кўчиб кетиш ниятини айтганда, мунисгинаси кўзларига ёш олиб, «Қўй болам, — отангнинг чироғи ўчмасин, қолаверса, киндик қонинг тўкилган жой. Ўзгалар юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл», деган эди. Шу-шу бўлди-ю, у ўзи туғилиб улғайган қишлоғи — Оқбўйрага қайтиб келди. Ўрганганларини ўргатди, ўрганмаганларини ўрганди. 1977 йилда уни мактаб директорлигига лозим топишди.

— У пайтлари мактаб ҳисобида битта бино бўлиб, ўқувчилар колхоз идораси, ҳаммомларда ўқишарди, — дея эслайди Т. Ҳожиқурбонов. — 1978 йилда район халқ таълими раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, 320 ўринли, 1986 йилда эса 720 ўринли мактаб ишга туширилди.

Ҳа, Турдимат Ҳожиқурбонов эл дарди, қишлоқдошлари ташвиши билан яшади.

...Одатдаги кунларнинг бири эди. Турдимат ака мактабга келиб, беш-олти нафар тажрибали ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, синфларни табақалаштириб ўқитиш тўғрисидаги фикрини ўртага ташлади. Ўқитувчилардан бири у деса, бири бу деди ва ниҳоят, бу масалани ота-оналар ҳукмига ҳавола қилишди. Мактаб жамоаси ишга киришиб кетди. Турдимат ака ўзи раҳбарлик қилиб ҳар бир табақалашган синфлар учун дастурлар тузиб чиқди. Орадан ойлар ўтди, кечагина қолоқ ҳисобланган синфлар бугун рақибларидан ўзиб кетди. Хуллас, мусобақа авжига минди. Учала синф ҳам деярли аъло баҳоларга чоракни якунлади.

Турдимат ака қишлоқдошлари, қолаверса, раҳбарлар олдида юзи шувит бўлмаганидан эркин нафас олди...

Узлуксиз жаранглаган телефон унинг хаёлини бўлиб юборди. Шогирдларидан бири уни табриклади. Ундан кейин ҳам бирин-кетин табриклар давом этаверди. Турдимат ака гап нимадалигини тушунмас, қутлуғ, қутлуғ, дея жавоб қайтарар, ўзининг кечагина «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» нишони билан тақдирланганлигидан бехабар эди...

Фармуда Маҳкам МУРОД қизи.

Адабиёт ўқитувчиларига

«ҒАЙРАТ ҚИЛИБ ЎҚИНГ, ЎҒЛОН!» ШЕЪРИНИ ЎРГАНИШ

Адабиёт дастурига кўра, 5-синфда Абдулла Авлонийнинг «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» шеърини синфдан ташқари ўрганиш кўзда тутилган. Ўқитиш услубиятига оид адабиётларда кўрсатилишича, ўқитувчи ўқув йили бошида бундай ўрганиладиган асарлар рўйхатини ўқувчиларга ёздириб қўяди. Ҳар чорак охирида шу асарларнинг ўқиб борилишини текшириш мақсадида суҳбат ўтказади. Синфдан ташқари, ўқиш услубиятига оид адабиётларда, илғор ўқитувчиларнинг маърузаларида мазкур мавзу ёритилган бўлишига қарамай, ҳозирга қадар ўқитувчиларимизни ўйлантириб келаётган муҳим муаммолардан биридир. Шуни эътиборга олиб, биз қуйида Абдулла Авлоний ижоди бўйича синфдан ташқари ўқишга доир 1 соатлик машғулот намунасини келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

А. Авлонийнинг «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!», шеъри юзасидан суҳбат бошланаркан, ўқувчиларга шундай саволлар ташланади:

1. Биз илгари қандай асарларни ўқиб чиққан эдик?

2. «Қаҳрамон» эртагида нималар тасвирланган?

3. «Чол билан кампир»да-чи?

4. «Зумрад ва Қиммат»да-чи?

Янги мавзу: «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» шеъри юзасидан суҳбат.

Ўқитувчи янги мавзуни шундай саволлар билан бошлайди:

1. Болалар, биз А. Авлонийнинг илгари қайси асарларини ўқиган эдик?

2. «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» шеърини Авлоний қачон ёзган, нималар деган?

3. Шоир ўқувчиларга қандай мурожаат қилган?

4. Авлонийнинг шу шеъри қўқонлик қайси шоирнинг шеърларига ўхшаб кетади?

5. Ким Ҳамзанинг мактаб ҳақидаги шеърларидан ёд айтади?

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларидан маълум кўникма ҳосил қилгач, камчиликларини кўрсатади. Сўнгра ўқувчилар айтишга қийналган ўринларни ўзи тўлдиради.

Авлоний мазкур шеърини 1912 йилда ёзган ва уни «Мактаб» номи билан битган. 1917 йилда шеър нашр этилиб, «Адабиёт китоби»да берилган. Шеърда шоир мактабни инсоннинг нажот йўли, ҳаёт гулшани, уни камолот сари бошловчи куч, восита деб таърифлаган.

«Мактаб» («Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!»).

Мактаб — дориламон,
Мактаб ҳаёти жовидон,
Мактаб ҳаёти қалбжон,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну
жамол,
Мактаб эрур дорилодоб,
Мактаб эрур гулзори
ажам,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!..

Мактаб жаҳолатдан
қочар,
Мактаб бахт йўлин очар,
Мактаб илм нурин сочар,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Мактаб сизни инсон
қилур,
Мактаб ҳаё, одоб берур,
Мактаб ғамни вайрон
қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Мактаб ўқувни кўрсатур,
Мактаб ёзувни ўргатур,
Мактаб уйқудан уйғотур,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Мактабнинг сизлар
булбули,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Мактаб мисли тилло
эрур,
Мактаб сизни
мулло қилур,
Ғайрат қилиб ўқинг,
ўғлон!

Ўқитувчи шеърда болаларни астойдил ўқишга даъват этилгани тўғрисида сўзлар экан, матнда учрайдиган қийин сўзлар ва уларнинг изоҳи ёзилган жадвални синф тахтасига илади. Кейин эса муаллим ўқувчилар билан биргаликда шеър матнида учрайдиган қийин сўзлар устида ишлайди. Буни эса ифодали ўқишдан бошлайди. Аввало, ўзи шеърни ифодали ўқиб беради. Кейин қисмларга бўлиб, 7—8 ўқувчига ифодали ўқитади.

Ўқитувчи шеърни таҳлил қиларкан, ундаги сифатлаш, ўхшатишлар ҳам ўз ўрнида қўлланилганини, қофияси яхши чиққанлигини таъкидлайди.

Дарсни мустаҳкамлаш босқичида ўқувчиларга шундай саволлар билан мурожаат этилади:

1. «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» шеърини ёзишда шоир қандай мақсадни кўзда тутган?

2. Ким шу шеърдаги сифатлашларни топади?

3. Қандай ўхшатишлар қўлланган?

Ифодали ўқиш намунасини яна бир марта эслатиш мақсадида шеърни магнитофондан ўқиб эшиттирилади.

Уйга вазифа қилиб «Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!» шеъри юзасидан савол ва топшириқларга жавоб топиш, шеърни ёд олиш топширилади.

Муяссархон АЛИЕВА,
Қўқон шаҳридаги 23-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

(Муаллиф илтимосига биноан мақоланинг қалам ҳақи «Маърифат» жамғармасига ўтказилади).

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

Мактабгача тарбия муассаларида

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур райони Жарариқ мавзесидаги 229-болалар яслибоғчасининг очилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Бир сўз билан айтганда, у — янги. Тарбия масканининг биноси ва ҳовлисига қараб ҳарҳолда шундай дейиш мумкин. Чунки боғча бийдек даштга ўхшаш жойда яқингинада қад кўтарган. Унинг ташқи кўриниши, тарбия маскани жойлашган ҳудуд ҳозирча жуда сўлимлашгани, ободонлашгани йўқ. Очиғини айтганда, боғча моддий жиҳатдан ҳам бақувват эмас. Аммо унда хизмат қилаётган тарбиячиларга нисбатан бу каби сўзларни қўллаб бўлмайди. Негаки, боғча мудираси Ойниса Солиҳова кадр танлашда, уларни саралаш ва жой-жойинга қўйишда сира янглишмаган. Тарбиячилар тажрибакорлиги, ўз ишининг устаси эканлиги билан киши диққатини тортади. Шунинг учун бўлса керак, ота-оналар боғча ходимларидан беҳад мамнунлар. Жажжи болакайлар ҳам боғча опаларидан кўп нарсаларни ўрганишяпти, ибратли даражада тарбияланишяпти. Хуллас, агар ушбу кичкинтойлар масканининг моддий асоси яна ҳам мустаҳкамланса, у ердаги ходимларга бўлган талабларнинг катталиги, тартиб-интизомнинг яхши йўлга қўйилгани ва, ниҳоят, қисқа муддатда орттирилган катта тажрибани ҳисобга олиб, бу боғча келажакда республикамиздаги энг намунали тарбия ўчоқлари қаторидан ўрин олади, дейиш мумкин. Шайхонтоҳур район халқ таълими бўлими ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бу ерда кўтарилган масалага алоҳида эътибор берадилар, деб ўйлаймиз.

● **Тадбирлар ўтказиладиган саройда болалар қўшиқ айтишни, рақс тушишни машқ қилишади.**

● **Боғча мудираси Ойниса Солиҳова тарбиячилар кузатувида озодагарчилик ва интизомни кўздан кечирмоқда.**

● **Ўйинчоқлар — болаликнинг ҳамроҳи.**

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

Буюк аждодларимиз

Тоҳир ҚАҲҲОР,
Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби.

МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий (1207, Балх — 1273, Кўнё) — бутун шарқ дунёсининг буюк файласуфи ва шоири, мавлавия сулукининг асосчиси. Жалолиддин ҳижрийнинг 604 санаси рабиул аввалнинг 4-куни (мелодий 30.IX. 1207.) Балхда туғилган. Балх у замонларда Хуросон давлатидаги бир шаҳар эди; Жалолиддиннинг отаси Баҳоиддин Валад Муҳаммаддир. Султонул уламо номи билан машҳур бўлган шахс; унинг отаси эса, Ҳусайн Ҳатибий бўлиб, у Хуросон давлатининг шоҳи Алоиддин Муҳаммад бинни Хоразмшоҳнинг қизига уйланган. Бундан англашиладики, Мавлоно Жалолиддин Румий она тарафидан Хоразмшоҳнинг наслидир. Қисқаси, насли-насаби турк бўлган бизнинг буюк ватандошимиз Жалолиддин Румий худди Фаробий, ибн Сино, Беруний, Қошғарий, Бурҳониддин Марғилоний, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Яссавий каби турк-ислом маданияти асосчиларидан биридир.

Жалолиддин беш ёшида экан, отаси Султонул уламо Баҳоиддин Валаднинг Хоразмшоҳ билан муносабати ёмонлашади ва Балхни тарк этиб, уч юз муриди билан Бағдодга йўналади. Шомда экан, Шайх Муҳиддин отасининг орқасидан бораётган Жалолиддинга қараб, «Субҳон Оллоҳ, бир баҳри муҳит (океан) бир денгизнинг ортидан боришини қаранг», дегани ривоят қилинади. Султонул уламо ҳар ерда бўлсин, миллатдошларига ва диндошларига маънавий тарбия берди, мударрислик қилди: Арзинжонда ҳам, Оқшеҳрда ҳам, Кўнёда ҳам. Ҳижрийнинг 628 санаси, рабиулоҳирнинг 18 жума куни (6.2.1231) Султонул уламонинг «руҳи шарифлари оламе лоҳутга парвоз этмишдир» (Обидиддин Пошо, «Таржима ва шарҳ Маснавийи шариф», «Истанбул, 1 жилд).

Жалолиддин Кўнёда таълимини юксалтирди ва шу ерда яшади, шунинг учун ҳам «Румий» тахаллусини олди. У Кўнёда балоғат топгач, Хўжа Шарафиддин Лоло Самарқандийнинг «духтари покизаси — Гавҳар хотун»га уйланган, 623 ҳижрийда биринчи ўғли Султон Валад туғилган. У кейинчалик шоир ва мавлания мактабининг етакчиларидан бўлган. Жалолиддин Румийнинг яна бир ўғли борлиги ҳам манбаларда таъкидланган.

Обидиддин Пошонинг ёзишича, Баҳоиддин Валаднинг мухлисига айланган турк султони Султон Алоиддин Кайқубод уни Кўнёга таклиф этган, жой берган, Олтунпо мадрасасини ҳам унга мударрислик учун бағишлаган, ўзи ҳам унинг ваъзларини тинглаган. Султонул уламо вафотидан сўнгра бу мадрасада унинг фаолиятини ўғли Жалолиддин Румий давом эттиради. Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин бу мадрасада отаси каби илму ирфон тарқатди, китоблар битирди, муридлари билан биргаликда турк халқининг руҳоният тарбиясига хизмат қилди.

1244 йили Кўнёга Шамсиддин Муҳаммад Табризий отлиқ бир дарвиш келади. Шайх Шамсиддин улуғ бир сўфий, ринд, жўшқин бир руҳоният киши эди. Мавлоно Жалолиддин Шайх Табризий билан танишгач, ишқи илоҳий бобида унинг суҳбатдошига айланди. Мавлоно «масти ошиқи Худо» бўлди». (Обидиддин Пошо) Шайх Шамси Табризий уни ибодат оламидан, моддий тушунчалар ва туйғулар дунёсидан юксалтириб, руҳоний билгилар ва туйғуларнинг уфқларига олиб чиқди, асрор оламига йўллади; Само завқини тоттирди... Ҳазрат Жалолиддин Шамс Табризий суҳбатлари воситасида Оллоҳ ошиқи бўлиб, дарслардан ҳам, бу дунёнинг ўткинчи ҳаёти моддия ва жисмониясидан ҳам чекинди, бутун вақтини руҳония оламида, Тангри ишқи дунёсида ўтказди, ошиқона — яъни, Худога бўлган ишқи ҳақидаги тасаввуфий шеърлар битди. Шундай қилиб, турк-ислом оламида улуғ бир сўфий, файласуф-шоир яралди.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»даги Румий ҳақидаги бобда шундай ёзадилар: «Алар (Мавлоно Жалолиддин — Т. Қ.) дебтурлар, суҳбат эзиздур (яъни, ошиқона суҳбат, Оллоҳ билан руҳоний суҳбати маъносида — Т. Қ.). Ва дебтурларки, Ҳазрати Худовандим Шайх Шамсиддин Табризий буюрубтурки, қабул топқон муриднинг эломати улдирки, асло бегона эл била суҳбат тута олмагой ва агар бегона суҳбатиға тушса, андоқ бўлғойки, мунофиқ масжидда ва гўдак мактабда ва асир зиндонда».

Мавлоно Жалолиддин Румий ва ҳазрат Шамсиддин Табризийнинг сўфиёна, руҳониёна муносабатлари, Мавлононинг дунёвий ҳаётдан чекиниши ва ўртада вужудга келган муридлар можароси оқибатида ҳаёти таҳликада қолган улуғ дарвиш Шайх Табризий Кўнёни тарк этиб, (II, III.1246), Шомга жўнайди. Аммо бу билан Мавлоно мударрислик ва ваъзхонлик фаолияти муридлар истаганидай; аввалгидай давом этмади: ҳазрат Жалолиддин азиз ҳамсуҳбатидан айрилиб, тинчини йўқотган, илгаригидай ўтар дунё фаолиятига банд бўлишни истамас, руҳи самовий, олиҳий суҳбатни қўмсар эди. Ўғли Султон Валад шомга бориб, ҳазрат Шамсиддин Табризийни Кўнёга олиб келади. Аммо яна муридларнинг шикояти, таҳликаси кучайгач, Шайх Табризий тамом келмас бўлиб кетади. Румийнинг «Шамси Табризий девони» ана шу улуғ қаландар, мислсиз ақл ва руҳоният эгаси Шамсиддин Табризийга бағишлангандир. 42 минг байтлик бу асар шоирнинг вафотидан сўнг тартибланган, «Девони кабир» номи билан машҳур.

«Маснавий»ни шарифни ҳазрат Мавлоно Жалолиддин 55—56 ёшларидаёқ бошлаган, 68 ёшларида асарнинг 6-жилди битилган. Иккинчи жилднинг бошланишида (7-байт) Жалолиддин Румий қаддаса сирраҳу исломий афандимиз ҳазратлари санайи ҳижрянинг 662 сида «Маснавий»ни ёзмоққа киришган (Обидиддин, 1-жилд, 11-бет). Мавлононинг севимли муридларидан Ҳисомиддин Чалабий бир куни «Устоз, ҳазрат Атторнинг «Мантиқут тайр»ига ўхшаш бир асар ёзсангиз» қабилида мулоҳаза билдиради. У киши бу фикр аввалдан кўнглида бор эканини, ҳатто китобнинг бир қисми ёзилганини айтади. Шундан кейин, «Маснавий»нинг китоб қилинишига устоз ва шогирд қатъий киришганлар. «Маснавий» 26. 632 байт (ёки 53. 264 сатр). «Бишнав аз найчун ҳикоят мекунад, (Аз жудойиҳо шикоят мекунад) байти билан бошланади. Буни Бобораҳим Машраб «Мабдаи нур»да, «Англағил, най не ҳикоятлар қилур, (Ким жудолиғдин шикоятлар қилур) дея таржима қилган. Машраб бу асарни ёзишда Румийдан таъсирланган, «Маснавий»дан айрим байтларни таржима қилиб фалсафий достонига киритган. «Маснавий»дан айрим парчаларни бизнинг даврда шоир Жамол Камол форсийдан ўзбекчага маҳорат билан ўгирди.

Мавлоно Жалолиддин Румий қижратнинг 662 санаси жумодулохирнинг 5-куни оқшомга яқин вафот этган (17. XII. 1273). Оғир ётган пайтида муридлари томонидан «мақоми жалили иршодларига кимнинг жонишин ўлажаги» арз этилганида, «Чалабий Хисомиддин» дея буюрганлар. Муридлар «Маҳдуми олийингиз Султон Валадга на васият буюрилур» дея такрор сўрашганида, ҳазрат Жалолиддин: «Ул паҳлавондур, васиятга эҳтиёжи йўқдур», деганлар.

Мавлоно Румий отаси Султонул уламо Баҳоиддин Валад ёнига дафн этилган. Ундан кейин мавлавия тариқатига атакчилик қилган Хисомиддин Чалабий (вафоти ҳижрий 683, шаъбоннинг 22 чоршанба куни) ва Султон Валад (вафоти ҳижратнинг 712 санаси, ражаб ойининг 10, шанба куни), шунингдек, уларнинг авлодлари ҳам бу мақбарага қўйилган. Бугунгача Кўнёдаги бу мақбара — «Мавлоно турбаси» бутун турк-ислом оламининг зиёратгоҳи бўлиб келмоқда. Мақбаранинг сўл ёнбошида унга туташ катта музей бор, у ерда Румийнинг ҳаёти ва ижодига, мавлавия тариқатига ва умуман турк-ислом маданиятига, турк сўфийларига оид бебаҳо ёдгорликлар сақланади. Мавлоно турбасининг ўнг томонида катта жоме бор.

Жалолиддин Румий асарлари, таржималари, шарҳлари у тўғридаги илмий ва бадиий китоблар ўтган етти асрдан бери шарқу ғарб миллатларига маънавий қувват бериб келмоқда. Румий ўз даври талабига кўра асарларини форс тилида битди. Минг йилларки араб ва форс тилларида ўқиб, ёзиб, ижод қилиб келган турк халқлари эса ўз боболари Мавлоно Жалолиддин асарларини ҳамма замонларда ҳам севиб ўқидилар, ўз лаҳжаларига чевирдилар, шарҳ ва талқинларини оммага ёйдилар — қисқаси, руҳониятларини бу билан тарбияладилар, ундан қувват олдилар.

Бугунги ўзбек китобхони Радий Фишнинг «Жалолиддин Румий» (Жамол Камол таржимаси) асари воситасида буюк файласуф шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълум тасаввурга эга бўлди. Аммо «Маснавий»ни ўқиш, англаш биз учун ҳали олдинда — бунинг учун асарнинг тўла таржимаси, шарҳлари лозим. Мавлоно Румий ҳазратлари «Маснавига ёзган арабча дебочада «Бу маснавий китобидир яъни, дин асосларининг асосларидир. Бу китоб Оллоҳ Таолонинг зиёда буюк фиқҳидир,.., бу китоб кўксларнинг шифоси ва хазиналарнинг жилоси ва Қуръони азимушшонинг кашшофи ва ризқларнинг мўллиги ва ахлоқнинг яхшилигидир» (Обидиддин шарҳи ва таржимаси, 1-жилд, 15-бет) деб таъкидлаганлар.

Сизнинг фикрингиз?

НАҲОТКИ, ШУНДАЙ БЎЛСА...

Маҳалла аҳли тўпланган тўйхонада биз билан бир қаторда ўтирган қишлоқнинг обрўли оқсоқоли менга қараб, «энди ўқиган ўзадиган бўлди», деди. Бу ҳавас билан айтилган гап мени ғурурлантириб юборди. Ҳақиқатан ҳам, яқин кунларгача ота-оналар мактабга ўзгача нуқтаи назар билан қарашарди. Улар ўз фарзандларини фақат пул билан олийгоҳларга кириши мумкин, бундан бошқа йўл йўқ, деган хулосага келдилар ва мактаб муаллимларига эътиборсиз бўлдилар. Ахир, ўқувчисининг дарс тайёрламай келганлиги учун қойиган ўқитувчига унинг отаси дуч келиб, «боламнинг ўқиши сизни ташвишлантирмай қўя қолсин, ўша битириш қоғозини сизсиз ҳам олади, олийгоҳ домласи билан келишиб қўйганман» деган заҳархандаси ҳамкасбимни ўз касбидан бездириб қўйгани сир эмас-ку?!

Шуларни ўйлар эканман, қишлоқ оқсоқолининг айтган ўша илиқ гапига нималар гуртки бўлганлигини эсладим. Дарҳақиқат, жумҳуриятимизда ўқитувчига бўлган муносабат яхшиланди, моддий манфаатдорлик ўсди; бир қатор имтиёзлар берилди, муҳими, келажагимиз мактабда эканлиги тўғри таъкидланди. Ана шу ғамхўрликлар оқибатида эл орасида муаллимларга эндиликда бошқача назар билан қаралмоқда, бу эса халқда илмга иштиёқ ҳиссини уйғотмоқда. Эндиликда таълим-тарбия соҳасида фидойилик билан ибратли ишларни амалга оширишни ҳаёт тақозо этмоқда.

Маълумки, бу йил олий даргоҳга кирувчиларнинг кўпчилиги тест асосида қабул қилиндилар. Олий таълимдаги бу янгилик биз муаллимларни анча илҳомлантирди, энди илмни пухта эгаллаган ўқувчигина ўқишга кириши мумкин, деган хулосага келинди. Мен мактабдаги жамоа йиғилишида, ота-оналар билан мулоқотда тестнинг афзалликларини айтдим ва ўзим бу ўқув йилидан бошлаб, дарс жараёнида ўрни билан тест саволлари асосида ишлашга ўтдим. Лекин айрим зиёлилар: «Қизиқмисиз, ўша аппаратни ҳам одам бошқаради. Сиз айтган тест саволларини бир амаллаб олдиндан оладиган устамонлар топилади», деб мени ранжитди. Наҳотки...

Истардимки, фарзандлари олийгоҳга тест орқали қабул қилинган ота-оналар, муаллимларга рўзнома орқали сўз берилса, ҳақиқат ойдинлашади ҳамда илмга рағбат уйғотилган бўлади, деган умиддаман.

М. ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти Бувайда районидаги 17-ўрта мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

ТААССУРОТИМИЗ ЧЕКСИЗ

Яқинда жумҳурият халқ таълими ҳодимлари малакасини ошириш Марказий институтида биология фанидан чуқурлаштирилган синфлар ўқитувчилари учун очилган бир ойлик курси яхши натижалар билан якунланди.

Курс тингловчилари йирик фан арбоблари, профессорлардан А. Ғофуров, Р. Раҳимбеков, Қ. Давлатовларнинг назарий билимларидан баҳраманд бўлдилар. Амалий машғулот дарсларида Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ўсимликлар экспериментал биология институти бош директори биология фанлари доктори, академик О. Жалилов билан мулоқотда бўлдилар.

Курс охирида институт ҳаётида биринчи марта курс-методологик конференцияси бўлиб ўтди.

К. ИУЛДОШЕВ.

Даврнинг ўзгариши, иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, ишлаб чиқаришнинг бошқа қўплаб тармоқларидаги мутахассислар қаторида педагогларимиз олдида ҳам иш йўналишини ўзгартириш, замон билан ҳамнафас бўлиб, масъулиятни янада жиддийроқ ҳис этиш, таълим-тарбия жараёнининг янгича ва илғор усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Қашқадарё вилоятн Касби район халқ таълими бўлимида бу борада бир қатор тажрибалар тўпланган. Район маорифчилари янгиланиш шарофати билан ёшларга таълим беришнинг ўзига хос дастур ва режаларини маҳаллий шароитга мослаб ҳамда республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳамоҳанг бўлган ҳолда ўз йўналишларини қайта қуриб олишди.

Бугунги давра суҳбатимизда ана шу райондаги илғор ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Унда район халқ таълими бўлимининг мудири А. Холов, методика кабинети мудири Қ. Намозов, «Одобнома» фани муаллимлари ижодий гуруҳининг раҳбари А. Қаҳҳоров, райондаги ижодкор муаллимлар гуруҳининг раҳбари Э. Холмуродов, тарих, инсон ва жамият муаллимлари ижодий гуруҳининг раҳбари Б. Пўлатова, жуғрофия фани ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари Т. Сафаров, физика фани ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари Р. Ҳамидов, химия фани ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари Ж. Халилов, рус тили ва адабиёти ўқитувчилари гуруҳининг раҳбари С. Асроров, математика ўқитувчилари гуруҳининг раҳбари Ж. Мўминов, биология ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари А. Шаропов, жисмоний тарбия ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари С. Сувонов, чақириққача ёшларни тайёрлаш ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари Б. Шаропов, мусиқа муаллимлари ижодий гуруҳининг раҳбари Ш. Жўраев, бошланғич синф ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари А. Ҳамдамов, Ч. Қувватов, Х. Жалолиддинов, А. Аҳмедов, меҳнат таълими ўқитувчилари ижодий гуруҳининг раҳбари З. Қўлдошев, чет тили ижодий гуруҳларининг раҳбарлари П. Мирзаев, Б. Пирмаматов ва бошқалар иштирок этишди.

Илғор тажриба минбари

КАСБИЛИКЛАР ЭЪЗОЗ ЭТГАН КАСБ

А. ХОЛОВ: — Халқ таълими тўғрисида гап кетса, мактаблардаги моддий негизнинг ночорлиги, таълим-тарбия сифатининг пастлиги, ўқитувчиларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг етарли эмаслиги, шу соҳада ишлаётган кўпчилик мутахассисларнинг бошқа ишларга ўтиб кетаётгани тўғрисида фикр юритиш одат тусига кириб қолганди. Хайрият, эндиликда республика президентининг кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли педагоглар қўнимсизлигига барҳам берилди.

Шундан келиб чиқиб районимиз педагоглари ҳам таълим сифатини янгилаш ва яхшилашга жиддий эътибор бериб келмоқда. Масалан, кўпчиликнинг фикрини ўйғунлаштириш, ўқувчиларни замон талаби даражасига жавоб берадиган даражада қилиб тарбиялаш учун «Ягона мактаб куни» жорий этилди. Шунингдек, ишни фақат педагоглар эмас, балки ота-оналарнинг кўмаги билан амалга оширишни кўзда тутиб, ҳар ойнинг охирги шанба кунида улар билан мактабда учрашиб, фикр-мулоҳазалар алмашинадиган бўлди.

Мана, икки йилдан ошяптики, илғор педагогларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, янги дастурларни ишлаб чиқиш йўли билан муваффақиятларга эришилмоқда. Муваффақиятлар эса ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг замирида жонкуяр муаллимларимизнинг машаққатли меҳнатлари, ижодий изланишлари ётади.

Қ. НАМОЗОВ: — Ҳозирги мавжуд дарсликлар, дастур ва режалар ўртасида жуда катта номутаносиблик мавжуд бўлиб, бугунги кунда ўқитилаётган дарсликлардаги ўқув материаллари ўз қадрини йўқотди. Бунинг устига янгиланаётган дарсликлар ўз вақтида етиб келмаяпти. Масаланинг шу ва шунга ўхшаш айрим жиҳатларини инобатга олиб барча фанлар бўйича илғор, билимдон ва тажрибали ўқитувчилардан иборат ижодий гуруҳлар туздик. 159 кишидан иборат ижодкор ишчи гуруҳлар ҳамда методистлар томонидан ўрта мактаб ҳажмидаги барча ўқув материаллари синчиклаб таҳлил қилинди. Бугунги кунда ўз қадрини йўқотган айрим темалар маҳаллий ва миллий шароитга мослаштирилган ўқув материаллари билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, миллий урф-одатларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, фан ютуқларимиз, ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш, миллий адабий муҳитимизни ўрганишга кенгроқ ўрин ажратилди. Меҳнат ва жисмоний тарбия дарсларини ҳам шу мақсадларга мос режалаштирдик. Физика, химия, математика ва бошқа бир қатор фанларни режалаштиришда ўқувчиларга ҳаётий зарурат асосидаги тушунчаларни киритиш, кўпроқ вақт ажратиш, айрим тушунчаларни умумлаштириш, амалий машғулотларни кўпайтириш, ўзбек ижодкорлари ва олимлари ишини ўрганишга эътибор берилди.

Янгидан тавсия этилган ўқув материалларини ўқитиш услублари ишлаб чиқилди. Бошланғич синфлардаги ўқитишда ўқувчи нутқини ва ҳуснихатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқилган дастур ва режалар умумий режа ва дастурдан четлаб кетмаган, ўқув материалларини чиқариб ташламаган ҳолда миллий ва маҳаллий шароитга мослаштирилди. Бунда жаҳон маданияти, фан тараққиёти ва таълим тизимига амал қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шулар қаторида таълим-тарбияга оид илғор иш тажрибаларни тезкорлик билан жорий этиш мақсадида ҳар ойнинг учинчи сешанбаси «Ягона методик ўқув куни» қилиб белгиланди. Услубий хизматни жамоатчилик асосида ташкил этиш мақсадида ҳам 170 нафар кишига жамоатчи-методист гувоҳномаси берилиб, улардан кенг фойдаланилмоқда.

А. ҚАҲҲОРОВ: — Маълумки, кейинги вақтларда одамлар ўртасидаги одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилмаслик ҳоллари кўпайиб кетди. Бу эса мактаб ўқувчиларига ҳам тобора ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Биз масаланинг бу жиҳатларини эътиборга олиб 1990 йилдан бошлаб «Одобнома» дарсларини ўқув режасига киритдик ва уни чуқурлаштирилган ҳолда ўқувчиларга ўргатиб келаяпмиз. Мутахассислар жамланиб «Одобнома» дарсининг таҳминий иш дастури ва режасини ишлаб чиқдик. Ишни одобнома муаллимларининг таркибини тузиш, амалий ва кузатув машғулотларини уюштиришга қаратдик. Райондаги ибратли оилалар, тажрибали кишиларни таклиф этиш, оилаларни бориб кўриш каби ишлар яхши самара бераяпти. Амалий семинар машғулотлари ташкил этиляпти. Ҳадислар, ўзбек миллатининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари ва удумларидан кенг фойдаланяпмиз.

Э. ХОЛМУРОДОВ: — Ўтган ўқув йилида районимиз педагоглари хайрли ишга қўл уришди. Барча фанларни маҳаллий шароитга мослаштиришга киришилганди. Бу кутганимиздан ҳам яхши самара бермоқда. Ўз касбини севадиган муаллимларнинг ижодкорлиги туфайли янги иш режамизни тузиб олдик.

Хўш, бу янги режани тузишга бизни нима мажбур қилди? Амалдаги дастуримизга асосланган ҳолда адабиёт дарсликларидаги баъзи бир баландпарвоз, мадҳ этувчи мавзулар ўрнига маҳаллий шароитга мос келадиган материалларни танладик. Бунинг учун, асосан, Қашқадарё адабий муҳитини яратиш ғояси туғилди. Уларни амалга ошириш учун Қарши давлат дорилфунуни олимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш билимгоҳи мутахассислари билан ҳамкорлик қилдик.

Мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини ўрганишда П. Равшановнинг «Адабий саҳифалар» асарини асос қилиб олдик. Она тилидан эса тилшунос олим Т. Нафасовнинг тавсияси билан талайгина янгиликлар киритилди. Бир сўз билан айтганда, она тили ва адабиёт бўйича 290 соат маҳаллий шароитга мослаштирилган режа ишлаб чиқилди. Янги режа ва дастур асосида иш бошладик. Мана, ҳозирданоқ белгиланган режага кўра, олиб борилаётган ишимиз ўз самарасини бермоқда.

Ўзекистон Халқ таълими вазирлиги районимиздаги қилинаётган бундай ўзгаришларга катта аҳамият бермоқда. Назаримда, ўқувчиларга дунё фанлари қаторида ўзи туғилиб вояга етган маҳаллий шароитдан батафсил маълумот берилса, билмаганлари ўргатилса, фойдадан ҳоли бўлмаса керак.

Б. ПЎЛАТОВА: — Ҳар бир инсон ўзлигини, ўз тарихи ва маданиятини чуқур билиши лозим деб ўйлайман. Чунки ўз тарихимизни таҳлил қилмай туриб, ўзгалар тарихига ёндошиш қийин. Тарих ўқитувчилари ижодий гуруҳи маҳаллий тарихимиз, ўтмиш аждодларимиз тарихини ўрганишга алоҳида эътиборни қаратди. Кузатувлар, ўқувчилар билан ўтказилган давра суҳбатлари аксарият ҳолларда китобий фикр юритишга одатланиб қолганлигимизни кўрсатмоқда.

Ўзимиз яшаб турган қишлоқ, ўқиб турган мактаб, район ёки вилоятимизнинг тарихи ва ўзига хос урф-одатларини ўрганиш, қайта тиклашни назардан четда қолдирмоқдамиз. Ишни ўз оиламиз шажарасини юритишдан бошлашни жорий этдик. Бу ўқувчида ўзи туғилган оиласи тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилиш, фахрланиш, оила шаънини авайлаб-асраш ва бойитиб бориш имконини беради. Мавжуд ўқув режасидан чиқмаган ҳолда Ўзбекистонда яшайдиган ҳалқларнинг ҳаёти ва тарихини, маҳаллий тарихимизни ўрганишга вақт ажратдик.

Давлат ҳуқуқи асослари, инсон ва жамият дарсларини олиб боришда ҳам ўқитувчилар жуда катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Бу борадаги ўқув режасини ва матбуотда бериб борилаётган ўқув материалини ҳам болалар тафаккурига мослаш, ҳаётга янада яқинлаштириш, Ўрта Осиё маданиятини тўлароқ акс эттириш, даврлар ўртасидаги иқтисодий ривожланишни қиёсий ўрганишга киришдик, бунинг натижаси ҳозирча ёмон эмас.

Т. САФАРОВ: — Режани миллий ва маҳаллийлаштиришда мустақил мамлакатимизнинг келажак тараққиёти ва ўтмишини, ўзбек олимлари фаолиятини жаҳон жуғрофлари билан қиёсий ўрганиш асос қилиб олинди. Иттифоқ саноатидаги ишлаб чиқаришга оид тушунчалар, дунё миқёсидаги ўқув материаллари сақлаб қолиниб, Ўзбекистон саноати ва ишлаб чиқаришга оид материалларга кенг ўрин берилди. Маҳаллий шароитда ўсадиган ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, тупроқ ва иқлим шароитини ўрганишга алоҳида эътибор билан қаралмоқда.

Тавсия этилган режалаштиришда айрим темаларга берилган ортиқча соатлар қисқартирилиб, асосий мавзуларни ёритишга кўпроқ вақт ажратилди. Мустақил ишлар, экскурсиялар, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари иши билан танишишга имкон яратилди. Эндиликда ўқувчиларимиз қўлбола дастурларимиздан амалий фойдаланишмоқда.

Р. ҲАМИДОВ: — Узоқ йиллар мобайнида фанлар бўйича ўқув дастурлари ва режалари марказдан чиқарилар, ишлар ҳам ўшанга мослаштирилган ҳолда олиб бориларди. Бундан ташқари, Ўрта Осиё олимларининг қилган ишлари юзаки ўрганилар, баъзан эса ҳисобга олинмасди ҳам. Дарслик ва қўлланмада жуда кўп ғализликлар, чалкашликлар ҳам учрайдики, бу ўқувчи тугул ўқитувчини ҳам чалғитиб юборарди.

Булар таҳлил этилиб, ҳар бир мактабда ўтказиш мумкин бўлган қуйидаги физик практикумларни режага киритдик. Турли ҳаракатларда ҳавонинг молекуляр массасини аниқлаш; туташ идишлар ёрдамида суюқлик ва эритмаларнинг зичлигини аниқлаш; доимий магнит ёрдамида ишқаланиш коэффициентини аниқлаш; жисм соясининг ўзгаришига қараб ернинг суткалик ҳаракатини ўрганиш; туташ идиш ёрдамида нурланиш энергиясининг миқдорини аниқлаш ва ҳоказолар.

Амалдаги дарслик ва дастурларда ёруғлик физикасидаги еттинчи асосий бирлик «кандела» чиқариб ташланган эди. Биз эса уни режага киритишни лозим топдик. Дарсликлардаги анча мураккаб бўлган ўқув материалларини ҳам соддалаштириб ўтиш усулларини ишлаб чиқдик. Хуллас, дастуримиз маҳаллий шароитдан келиб чиққан мавзулар билан тўлдирилди. Ҳозир ана шу асосда ёшларга сабоқ бераяпмиз. Ўқувчиларнинг ўзлаштириши, аввалги дастурдан олинган жавобга қараганда, дадилроқ, самаралироқ.

С. АСРОРОВ: — Ўқув-тарбияни ташкил этиш, аввало, ишни режалаштиришдан бошланди. Фойдаланиб келинган дарсликларда асосан рус халқи тарихи, маданияти, адабий меросини, табиати ва урф-одатларини ўрганишга кенг ўрин берилган. Тавсия этилган режалаштиришда ўзбек адабий мероси ва маданиятини оврупо халқлари адабий меросига тақлидий эмас, қиёслаб ўрганишга ҳаракат қилинди.

Масалан, Пушкиннинг 7-синфда ўтиладиган «Куз» шеърини ўрганиш жараёнида табиатга саёҳат қилиш орқали Ўзбекистон кузини қиёслаб изоҳлаш, 11-синфларда Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асарини ўрганишда ўзбек ёзувчиси Вали Ғафуровнинг ижодига мурожаат этиш, унинг ҳаётини ва «Вафодор» романини қиёсий ўрганиш каби таклифларга асосланилди. Муайян синфлар ўқув режасига «Наврўз» ва бошқа миллий байрам ҳамда анъаналарга ўрин ажратилди.

Натижалар шуни кўрсатмоқдаки, ўқувчиларнинг тил ўрганиши, дунёқарашининг кенгайиши аввалгиларга нисбатан ижобий баҳоланмоқда.

Ж. МЎМИНОВ: — Кейинги пайтда чиқарилаётган дарсликлар, ўқув дастур ва режаларида муайян камчиликлар мавжуд. Айрим тушунчалар, таърифлар умумлашган ҳолатда берилган. Масалан, ўқувчи кўп хонали сонлардан жадвал ва калькуляторсиз илдиз чиқариш тушунчасига юқори синфларда деярли ҳар кун дуч келади. Аммо кўп хонали сонлардан илдиз чиқариш усули ҳеч бир синфда ўргатилмайди.

Шунингдек, лимитлар ва уни ҳисоблаш хоссалари тўғрисида ҳеч қандай тушунча бермай туриб шуларга таянган ҳолда ҳосила таърифи берилган. Бу ҳосилани таърифдан фойдаланиб ҳисоблашда анча қийинчиликни юзага келтиради. Тенгламалар системасини (айниқса, уч номаълумли) ечишда олдинги дарсликлардаги Крамер қоидасини қўллаб ечишни ўргатиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Булардан ташқари, геометрия дарсларида ҳам ал-Хоразмий, Беруний, Али Қушчи, Улуғбек, ибн Сино ва бошқа алломаларнинг математик қарашларига кенг ўрин берилиб, дарс ўтишда амалда қўлланиб келинмоқда.

А. ШАРОПОВ: — Ўзбекистон ўз иқлими, бойликлари, ўзига хос ҳайвонот дунёси ва ўсимликлари билан алоҳида аҳамият касб этган мамлакатдир. Шу боисдан ҳам маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда, эътиборни Қашқадарёнинг ушбу хусусиятларига қаратишни лозим топдик. Табиатни муҳофаза қилиш масаласи муҳим омил қилиб олинди. Жаҳон миқёсидаги табиатшунос олимлар қаторида Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон табиатшунослари фаолиятини ўрганишга эътибор кучайтирилди. Экологик соҳадаги билимларни Ўзбекистон табиати, Орол фожиаси, кимё корхоналарининг тирик табиатга кўрсатаётган таъсири мисолида, унинг олдини олиш чоралари, бу борада олиб борилаётган ишлар билан боғлаб ўргатилаяпти.

Ҳозирги шароитда ўқувчиларда қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиш назарий ҳамда амалий билим ва кўникмалар ҳосил қилиш замон талабидир. Тавсия этилган режада ана шу мавзуларга кенг ўрин берилди.

С. СУВОНОВ: — Мактабларда ўтилаётган жисмоний тарбия дарслари тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлиб, ёшларни жисмоний бақувват, соғлом ва чаққон, қийинчиликларга бардош бера оладиган қилиб тарбиялашда муҳим ўринни эгаллайди.

Бу дарсда режа асосида ўқувчилар гимнастика, спорт ўйинлари, миллий ҳаракатли ўйинлар, енгил атлетика, миллий кураш ва миллий рақслар билан шуғулланадилар. Ҳозирги мактабларимиздаги моддий негиз жисмоний тарбия дарсларини мавжуд дастурлар асосида тўлиқ уюштириш имконини бермаслиги сир эмас. Шунинг учун ишни маҳаллий шароитдан келиб чиқиб режалаштириш, хусусан, жисмоний тарбияда миллий хусусиятларимизга мос равишда «Балли йигитлар», «Қувноқ стартлар» баҳслари билан боғлаб олиб бориш бу дарсдан ижобий натижаларга эришишда имкон яратади.

«Ҳосил байрами», «Наврўз», «Хотира куни», «Билимлар куни», «Мустақиллик байрами» кунларида маҳаллий полвонлар ва бошқа спорт усталари, фан ва маданият арбоблари хотирасига бағишлаб ўтказиладиган спорт беллашувлари жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш ва меҳр-оқибатни уйғотади.

Дарсларни шундай ташкил этайликки, бунда миллий урф-одатларимиз, маданиятимиз, ота-боболаримизнинг касб-кор ва қобилиятлари, тарихи қайта тиклангандек бўлсин. Ўқувчиларда фахрланиш, истак, ҳавас туйғулари уйғонсин.

Б. ШАРОПОВ: — Чақириққача ёшларни тайёрлаш дарслари ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ажралмас ва таркибий қисмидир. Машғулотлар давомида оталиқ, ҳарбий қисмларда бўлиш, ҳарбийлар ҳаёти ва яшаш тарзи билан танишиш, кейинги йилларда юқори синф ўқувчилари иштирокида ташкил этилаётган «Ҳарбий соғломлаштириш лагери» шу соҳа мазмундорлиги ва таъсирчанлигини оширяпти.

Лекин кейинги пайтларда мактабларнинг шу йўналишдаги моддий негизи қашшоқлашиб бормоқда. Фақат шу томони назарда тутилмаса, кўринаётган натижа ёмон эмас.

Ш. ЖЎРАЕВ: — Барча соҳаларда миллийлик сари ижобий ўзгаришлар бўлаяпти. Биз ҳам мусиқа дарсларини миллий асосда режалаштиришга ҳаракат қилдик.

1 — 8-синфлар мусиқа дарсларини режалаштиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, овоз диапазонлари ва мусиқавий қобилиятлари ҳисобга олинди. Дастур ва режани миллийлаштириш, маҳаллийлаштиришда қуйидаги мақсадлар кўзда тутилади: ўзбек халқ чолғу асбоблари билан яқиндан таништириш. Доира, шиқилдоқ, чапак чалиш ва ҳар хил ҳаракатли ўйинлар орқали ўқувчиларнинг ритм (усул) қобилятларини ўстириш; мусиқа товушлари ёрдамида қизиқарли ребуслар (топишмоқ ёки сирли сўзлар) тузиш, нота саводини ўргатиш; ашула айтиш малакаларини ўстириш, ўқувчиларни доимий равишда район, вилоят ва жумҳуриятдаги халқ дасталари, фольклор ва хор гуруҳлари билан таништириш кабилар.

Ниҳоят, бу каби маҳаллий усуллардан фойдаланиш ўқувчиларга миллий тарбия беришда, маданиятимизни ўргатишда қўл келади.

А. ҲАМДАМОВ: — Менимча, дастур ва режаларни миллий, маҳаллий шарт-шароитга мослашни бошланғич синфларда кенгроқ амалга ошириш керак. Бугунги дарсликдаги кўплаб тушунчалар ўз қадрини йўқотди. Шу муносабат билан кўплаб машқлар ва бошқа ўқув материаллари алмаштирилди. Анъанавий, баландпарвоз чақириқ мавзуларни камтарона, маҳаллий хусусиятларни англатувчи темалар эгаллади.

Ч. ҚУВВАТОВ: — Таълимнинг пойдевори ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ бошланади. Шу боисдан ҳам бошланғич синф муаллимларининг меҳнати масъулиятли ва фахрланарлидир. Ҳозирги дарсликлар, дастурлар ўқувчига, хусусан, қишлоқ ўқувчисига бирмунча оғирлик қилади. Шунинг учун ҳам уни маҳаллий шароитга мослаш шарт.

Масалан, биринчи синф алифбе китобидаги расмлар миллий асосда танланмаган. Русча сўзлар керагидан ортиқча даражада ишлатилган. Ана шу ҳолатларни ўзимизга мослаштириб, маҳаллий дастуримизга киритдик.

Х. ЖАЛОЛИДДИНОВ: — Кўп ҳолларда юқоридан тавсия этилган дастур ва режалар билан ишлаш, ундан заррача четланмасликка интилиб келдик. Оқибатда-чи? Ўқувчилар роботга ўхшаб қолишди. Китобларга киритилган бошқа миллатни, ўзга юртда таркиб топган ҳар бир нарсани билишади-ю, ўзи туғилиб ўсган юртдаги, лоақал, қишлоғидан чиққан не-не кишиларни, тупроғида ўсадиган ўсимликларни ҳам билишмайди.

Ўқувчида нима гуноҳ? Унда айб йўқ. Ўзимиз шунга ўргатдик, уларни. Қараб турсак иш ўзгармайди. Шу боисдан ўзимизни қайта қуриб олишга киришдик. Бунинг маҳсули сифатида янги маҳаллийлаштирилган дастуримиз юзага келди. Эндиги дарсларимизда А. Навоий, Ат-Термизий, Имом Бухорий ўгитларидан, А. Орипов, Қ. Муҳаммадий, Т. Йўлдошев ижодларидан фойдаланишни режамизга киритдик.

А. АҲМЕДОВ: — Биз сабоқ бераётган дарсликларнинг аксарият қисми замон талабига мос келмайди. Учинчи синф ўқув материалини уч йиллик бошланғич таълимнинг иккинчи синфлари учун ҳамда тўрт йиллик бошланғич таълимнинг учинчи синфлари учун фойдаланиб келинаётган дарсликларни уйғунлаштириб олдик. Бугунги кунда ўз қадрини йўқотган ўқув материалини режадан чиқардик. Ўқувчиларнинг ёзув, нутқ ўстириш дарсларида маҳаллий ижодкорларнинг фаолиятидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилдик. Мавзуларнинг ўрни фасларга мос келадиган тарзда белгиланди.

П. МИРЗАЕВ, Б. ПИРМАМАТОВ: — Ўзбекистон республикаси мустақил давлат сифатида фаолият кўрсата бошлаганидан кейин дунё миқёсидаги тилларга бўлган муносабат, интилиш ва масъулият кескин ўзгарди. Мактабларда ўқитилаётган чет тили дарслари янада муҳимроқ ўрин тута бошлади. Жуда кўп ёшларимизга хорижга бориб таълим олишга, ҳунар ўрганишга кенг имониятлар яратиб берилмоқда.

Бу жиҳатларни ўйлаб районимиздаги бир қатор мактабларда чет тилини чуқурлаштириб ўрганишга киришилди. Биз мавзуларга қадимий Туркистондан етишиб чиққан аллома ва саркардалар фаолиятига, улар яратган маданиятнинг ўзига хослигига эътибор бериб, режамиздан кенг ўрин ажратдик. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Хива, Термиз каби шаҳарларнинг бой тарихига мослаштириб туздик.

З. ҚЎЛДОШЕВ: — Ўзбекистон жумҳуриятимиз мустақил бўлди.

Бугун унинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уйи олдида ҳилпирамоқда. Лекин унинг пойдеворини мустаҳкамлаш, келажак авлодни шу замонга мос қилиб тарбиялашдек масъулиятли вазифа биз муаллимлар олдида кўндаланг бўлиб турганлигини унутмаслигимиз лозим.

Бу масъулиятни жиддий ҳис этган ҳолда райондаги меҳнат таълими ўқитувчилари ҳамкорлигида дарсликдаги берилган нарсаларни қайта кўриб чиқишга қарор қилдик. Аввало шуни айтиш лозимки, меҳнат таълимига оид дарсликнинг чиқарилмаганига ҳам бир неча йил бўлди. Сўнггиси эса бундан йигирма йил илгари вужудга келганди. Ўтган йиллар бадалида у қайта-қайта чоп этилавериб, сийқаси чиқиб кетди.

Хуллас, меҳнат таълими дарслари эндиликда ўзимиз тузган маҳаллий режамиз асосида ўтилмоқда. Ўқувчиларга меҳнат қуролларининг кенг турлари ўргатилаяпти. Яқин орада ижобий натижасини берса керак, деб ўйлайман.

Саҳифа материалини Қурбон НАМОЗОВ тайёрлади.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Озода СУЛТОНХЎЖАЕВА!

Узоқ йиллардан буён фарзандларимизнинг камолоти, улар келажагининг равнақи учун қалб қўрингизни, меҳр-зиёнингизни тўкиб келасиз.

Ҳамза районидаги 198-мактабда жамоа ҳамиша Сиздан ўрнак олишга, таълим ва тарбияда ўзингиз каби ютуқларни қўлга киритишга интилишади.

Эллик ёшингизни нишонлаётган шу кунларда қувончингизга шерик, улкан ишларингизга тилакдош бўлиб қоламиз.

МАКТАБ ОТА-ОНАЛАР ЖАМОАСИ.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз падари бузрукворимиз Т. ДАВРОНОВ!

Сиз 40 йил давомида ёшларга она тили ва адабиётдан таълим берган бўлсангиз, биз жигарбандларингизга ҳаёт деб номланмиш улуғ неъмат мазмунини англатдингиз. Насиҳатларингизга амал қилиб, ҳар биримиз ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олдик.

Табаррук 60 ёшни қаршилаётган ушбу кунингизда дилбандларингиз доимо Сизга соғлиқ-саломатлик тилайди. Ҳамиша ёнимизда улкан тоғ мисоли таянч бўлиб юринг!

ФАРЗАНДИНГИЗ ЖАҲОНГИР.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани Жом қишлоғи.

Ўқинг, бу — қизиқ!

АМЕРИКА КАШФ ЭТИЛДИ, КЕЙИН-ЧИ...

ҲИНДИСТОН илм-фани, маданияти, бетакрор табиати, бойлиги, айниқса, унинг зиёраворлари овруполикларни азалдан қизиқтириб келган. Бундай маълумотларни улар ватандошимиз, буюк комусий олим Абу Райҳон Беруниийнинг «Ҳиндистон» деб аталган китобидан (XI аср), овруполик сайёҳ Марко Поло (XIII аср) эсдаликларидан ўқиб билишар, китоблардан ташқари араб савдогарларидан сўраб-суриштиришарди.

Ажойиб-ғаройиб ўлкага ўша даврларда фақат шарқдан — Ўрта Ер ва Қизил денгизлари орқали борилар, бу йўл эса араблар қўлида эди. Ҳиндистонга ғарбдан борса бўлмасмикан?

Ниҳоят, шундай жасур сайёҳ топилди. Бу — буюк жуғрофик кашфиётлар даврини бошлаб берган, италиялик сайёҳ-денгизчи Христофор Колумб эди. У ўша вақтларда машҳур бўлган китоблар, дунё хариталари билан танишиб, агар Ер шар шаклида бўлса, ғарбдан Атлантика океани орқали Осиёга, Ҳиндистонга бориш мумкин, деган хулосага келади. Ўз режа-дастурини Португалия ҳукуматига таклиф этади. Елканли кемаларда океан ошсузиш, бу — қандай ақлсизлик? Шунинг учун ҳукумат Колумб таклифини рад этди. У ўз режасини Испания қироли ва қироличасига айтади.

Қутлуғ кунларнинг бирида унга рухсат берилади: Х. Колумб қирол адмирали, янги очилган орол ва ерларнинг «вице-қироли» ва бош бошқарувчиси этиб тайинланади.

1492 йилнинг ёз кунларидан бирида Испаниянинг Полос бандаргоҳидан «Санта Мария», «Пинта», «Нинья» кемалари йўлга чиқди. Енгил шамол елканли кемаларни Шимолий денгиз узра ғарб томон олиб кетди. Кейин Атлантика океани... Очиқ океан денгизчиларга қўрқув сола бошлади: ахир, ҳеч ким бунчалиқ қуруқликдан узоқ бепоён океанда сузмаган эди-да!

Х. Колумбнинг биринчи саёҳати ҳақида ёзилган китобда шундай сатрларни ўқиймиз: «Адмирал барча денгизчиларга бу кеча улар ерга жуда яқин келишларини, эҳтимолки, уни кўришларини айтди. Шундан кейин ҳар бир киши сергак туриб, ерни биринчи бўлиб кўришга ҳаракат қилди. Чунки бундай кишига қирол ўн минг маравед (пул) мукофотидан ташқари ипак камзул ҳам ваъда қилганди...».

Ниҳоят, саёҳатнинг 69-кунида, субҳидамда «Пинта» кемасининг матроси Редриго де Триана «Ер! Ерни кўраяпман!!!» деб овоза қилди.

1492 йил 12 октябрь. Узоқда пальма дарахтлари соя ташлаб, тўтиқушлар овози эшитилиб турган Кариб денгизидаги Гуанахани (Сан—Сальвадор) ороли қирғоқларига биринчи бўлиб тушган Х. Колумб, ерни ўпиб Худога шукрлар қилди. Ахир, орзуси ушалган эди-да! Ғарбий йўл очилди. Қаршисида Осиё, аниқроғи — Ҳиндистон!

Колумб ўзи биринчи қадам қўйган Гуанахани ва унинг атрофидаги бошқа ороллари (Багам ороллари) Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқлари —Вест Индия (Ғарбий Ҳиндистон), маҳаллий халқларни «ҳиндулар» деб атади. У ўзи очган «Ҳиндистон»га 4 марта бориб келди. Умрининг охиригача шу фикрда қолди. Ороллар нинг яқинларидаги юксак цивилизация — маданияти бўлган давлатнинг (Мексика) борлигини хаёлига ҳам келтирмади. Фақат вафотидан кейингина маълум бўлди: буюк денгизчи, жасур сайёҳ ўзигача номаълум бўлган Янги Дунё — Американи кашф этган экан!

Йиллар ўтди. Колумб кашф этган Янги Дунёда фақат бир кичик давлатгина унинг номини шарафлади — Колумбия деб аталди. Икки материк — Америка қитъаси бошқа кишининг номи билан атала бошланди. Бу киши — флоренциялик Эмериго Веспуччи эди. У Колумбнинг 2-саёҳатидан бошлаб, бир неча марта «Ҳиндистон»га борган, ороллар табиатини кузатган табиатшунос эди. Ўз таассуротларини аввал китоб қилиб чоп этади, сўнгра Колумбнинг йўл-маршрути, кундалиги, ороллар нинг жуғрофик координаталари кўрсатилган хариталарини қўлга тушириб, ўзиники қилиб олади ва Страсбурглик немис Картографга олиб боради. Картограф Мартин Валдземюллер кўрсаки, Э. Веспуччи «буюк кашфиёт» қилган — Янги Дунёни қайта «очган». Шунинг учун у 1507 йилда Жаҳон харитасини чизганда, янги очилган қитъага Америка номини беради.

Америкалик олим Жон Биржер Веспуччи оиласи ҳақида китоб ёзмоқчи бўлиб, архив материаллари билан танишаётганда сайёҳнинг дастхатига кўзи тушади. У ўз қўли билан лотинча ёзувда «Эмеригус Веспуччиус» деб имзо чеккан экан. Ж. Биржернинг фикрича Америка атамаси Эмерика билан алмаштирилса тўғри бўлар эмиш. Шу ўринда биз ўз фикримизни айтмоқчимиз.

Аслида, ҳақ жойини топса, Янги Дунё Колумб деб аталиши керак. Шундагина Колумб жасорати муносиб тақдирланади. Мухлислар бу йил Янги Дунё кашф этилганлигининг 500 йиллиги муносабати билан Сан-Салвадор қирғоқларига — буюк дарға биринчи қадам қўйган жойга улкан ҳайкал ўрнатишга жазм қилганлар. Бу қутлуғ ишни Ўзбекистон ўқитувчилари, жуғрофлари номидан маъқуллаймиз. Ҳозирда ҳар нарса ўз номи билан аталаётган даврда ҳайкал ўрнатиб бўлса-да, омадсиз дарғанинг номини келажак авлодларга сақлаб қолсак, ҳар қалай ғарб ёшларининг Европага тамакининг келтирилишига қарши ўтказмоқчи бўлган тадбирларидан яхшироқ ва тўғрироқ бўларди. Тамакида, уни келтирган Колумбда нима айб.... ахир, ёшларнинг ўзлари иродасиз бўлсалар.

Иккинчидан, «Америка» деб номланадими, «Эмерика» дебми, бу — талаффуздаги хатолик деб ўйлаймиз. Масалан, «Э» ҳарф — товуши инглизлар ёзувида «а» ёзилади. «А» деб ўқилиб кетган бўлса, ажаб эмас.

«Америка кашф этилди, хўш, кейин-чи...». Уша тарихий кун, субҳидамда, — деб ёзади АҚШлик жуғроф Жон Бейклесс, — фақат бир кичик оролдан ташқари, улкан континент ҳаётида бирор ўзгариш бўлмаган, ўзича яшаб турган бўлса-да, ҳар қалай Сан-Салвадор қирғоқларига уч кеманинг келиши... уларнинг тарихида аянчли саҳифани очиб берди...»

Колумб ўзи бошлиқ Эспаньэло оролида бош кўтарган аборигин — ерли халқлар устига от солди, уларни итларга талатди, отиб ўлдирди. 14 ёшдан бошлаб аёлу эркакларни оғир меҳнатга — олтинқум ювишга, пахта етиштиришга мажбур қилди. Ҳиндуларни алдади, шаъни, урф-одатларини таҳқирлаб қул қилди, уларнинг биринчи партиясини Европага жўнатди. Хуллас, колония — яшаш тарзини Колумбнинг ўзи жорий этди, шундай қилишга мажбур эди.

Х. Колумбни испанлар ўз тилларида Кристопол Колон деб аташарди. Колония (Колумб ерлари), колонизатор (колония қилувчи шахс) атамалари Колумб сўзидан олинган. Колумб давридан қолган, инсонларга иснод келтирувчи атама—сўзлар! Бу сўзлар ерли халқларни даҳшатга соларди... Колумбнинг ўғли Фернандо 5 йилдан кейин Янги Дунёга борганида испанлар учун «бирор ёққа борсалар бепул озиқ-овқат, бир қиз ва елкасида кўтариб юриш учун бир хизматкор — ҳинду берилишини» ва бу одат ҳеч кимни ажаблантирмаслигини кўрди.

Бу жабр-зулмлар етмаганидек, Колумбдан кейин европаликлар «ҳинду»ларни ёппасига қириб ташлашга уринганлар. Масалан, Антиль ороллардаги ерли элат — араваклар ҳозир батамом қирилиб кетган. Америка ҳиндуларини муҳофаза қилиш Халқаро Комиссиясининг аниқлашларича, Бразилияда ўрмон ва аҳоли пунктларини самолётлардан дори сепиб заҳарлашган. Мишьяк қўшилган махсус қанд-шакар, қора чечак юқтирилган кўрпа-тўшак беришган, шу йўл билан ҳиндуларни қиришган. Айтишларича, европаликлар келгунча ҳиндулар тиш оғриғини билмаганлар.

Ямайкада араваклар юмшоқ, «сакровчи» тўп «батос» ўйнар эдилар. Тўпни «йиғловчи дарахт» пўкакидан олишар ва уни «кахучу» (каучук) дердилар. Каучук ҳам шакарқамиш, пахта, олтиндек ерли халқлар бошига бало бўлди. Шундай қилиб, ҳиндулар қирилди ёки кам миқдорда қолишди. Усиб бораётган саноат ва қишлоқ хўжалик плантацияларига ишчи кучи етишмай қолди. Европаликлар бунинг ҳам иложини топишди: арзон ва қулай (қочиб кета олмайдиган) Африка негрларини қул қилиб олиб келишди. Ерли халқлар қонк бузилди, метислар, мулатлар пайдо бўлди.

Кимёвий заҳарли моддалардан ташқари, атроф-муҳит нефть ва бошқа саноат, транспорт чиқиндилари, радиоактив изотоплар билан заҳарланди. Табиий ўтлоқзорлар, ўрмонлар ва ёввойи ҳайвонлар (масалан, бионлар) қириб битирилди — Янги Дунё экологияси ҳам бузилди.

Оқ танлилар икки гапнинг бирида «биз ерли халқларга цивилизация олиб келдик» деб мақтанишади, лекин улар қадимги майя ва атцеклар илмфани ҳамда маданиятини унутмасалар бўларди. «Оққан дарё яна оқиб» асримизнинг 50—60 йилларидан бошлаб, Колумбнинг «ҳинду»лари ҳам мустақил тараққиёт йўлига кириб олдилар. Мексика, Куба, Бразилия, Аргентина, Перу, Колумбия каби давлатлар ўзига тўқ, мустақил ривожланган мамлакатлар қаторига киради (АҚШ билан Канадани бу ҳисобга қўшмадик).

Мана, Х. Колумбдан кейинги Америкининг 500 йиллик тарихидан қатра-томчилар.

Комилжон ТЕШАБОЕВ.

Фарғона вилояти Риштон районидаги 32-ўрта мактабнинг жуғрофия фани ўқитувчиси.

ЯНГИ УЮШМАНИНГ ИЛК ОДИМЛАРИ

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қошида мусиқа ўқитувчилари уюшмаси ташкил этилиши Республикамиз маданий ҳаётида тақдирга лойиқ ишдир. Зотан, ҳар бир муаллим ҳамнафас бўладиган, фикр алмашадиган жой юзага келди. Уюшма ташкил топиши ҳар бир мусиқа ўқитувчиси тақдирига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси мусиқа муаллимлари ижодий уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида уюшма бошқаруви президенти Д. Омонуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

Март ойида бўлиб ўтган таъсис қурултойидан буён ўтган давр мобайнида ўқитувчилар учун баъзи қўлланмалар нашр этилди, чолғу асбоблари устахоналари, кичик корхоналар очиш режалари белгиланди.

Йиғилишда 1993-96-йилларга мўлжалланган нашр режалари, бадиий ижод бўлими ишини жонлантириш юзасидан бўлим мудири О. Иброҳимов ҳамда вице-президент М. Толипов ахбороти эшитилди.

Ижодий уюшма йиғилишида мусиқа таълимини такомиллаштириш муаммолари юзасидан Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институти директори Қ. Фозилхўжаев, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси котиби А. Мансуров, Ўзбекистон телерадиокомпанияси болалар хори бадиий раҳбари Ш. Ёрматов, А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти кабинет мудири М. Толипов, Хоразм, Фарғона, Самарқанд, Навоий вилоят ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари кабинет мудирлари С. Собирова, Э. Мирзаев, Ф. Бақозода, А. Пирназаров, Н. Ризаевлар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўтроқлашдилар.

Ўз мухбиримиз.

МАКТАБ БОҒИ

Боғни боқсанг боғ бўлади, деган нақл бор халқимизда. Тошкент районидаги 14-мактабга қадам қўйган кишининг баҳри-дили очилади. Бу ерда эрта баҳорда шафтолиларнинг пушти гуллари, олма, ўрик куртакларининг бодроқдай очилиши дилларга олам-олам завқ бағишлайди.

Ҳар фаслнинг ўз ҳислати бор. Илк мевалари териб олинган мактаб боғида айни кунларда ҳам иш қизғин. Биз мактабга ташриф буюрганимизда тарбиявий ишлар ташкилотчиси Турғун Тўлаганов 5-синф ўқувчиларига ўзларига қарашли майдондаги дарахтлар тагини юмшатиш юзасидан топшириқ бераётган экан.

— Ўқувчиларимиз асосан деҳқон фарзандлари, — дейди у. — Болалар мевали дарахт кўчатларининг данакларини йиғишади. Боғимиздаги шафтоли, ўрик кўчатлари данакдан кўкартирилган ва яхши навли меваларга пайванд қилинган. Юқори синфлардаги ўқувчиларнинг кўпчилиги куртак ва искана пайванд қилишни ўрганиб олишган.

Мевали дарахтларни кузда суғориш, тагини юмшатиш, ҳашоратлардан асраш, ўғитлаш, ортиқча шох-шаббаларни олиб ташлаш ишларини улар мустақил равишда бажаришади.

Биз қўлларида белкурак, кетмон билан мактаб боғида ишлаётган болаларга назар ташлаб, ҳар қаричи олтинга тенг тупроқни эъзозлаётган меҳнатсеварлардан беҳад мамнун бўлдик. Шубҳасиз, йиллар ўтиб улар ўзлари барпо этган боғ билан фахрланиб юрадилар.

СУРАТЛАРДА: 5-синф ўқувчилари мактаб боғида.

Суратка Р. АЛЬБЕКОВ.

Хотира

ЯХШИ НОМ ҚОЛДИ

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрни бўлади. У қаерда ва қайси соҳада меҳнат қилмасин, вазифасини жон дилдан ато этсагина одамлар назарига тушади, касбдошлари, ёр дўстлари орасида ҳурматга сазовор бўлади. Қудрат ака Сафаровни ҳам декморонликлар чексиз ҳурмат билан эсга олишади. Фидойи инсон, ажойиб педагог Қудрат ака ибратли умр кечирди, ўзидан яхши ном, яхши фарзандлар қолдирди. Устоз ўқитувчининг ҳаёт йўли бизга — барча шогирдларга ибрат мактабидир.

Қ. Сафаров Деҳқонобод районидаги Декморон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида таваллуд топди. Ўн бир ёшида ота-онасидан ажралди. Шу сабаблими ё содда қишлоқнинг хушфеъл одамлари меҳри туфайлими, унинг жажжи қалби эзгуликка омухта бўлиб тоғаси қўлида вояга етди. Илмга иштиёқи баланд бўлган Қ. Сафаров ҳеч иккиланмай педагоглик касбини танлади ва шу соҳада 38 йил фаолият кўрсатди. Айниқса, шогирдлари устознинг А. Лохутий номли мактабга раҳбарлик қилган йилларини, унинг яхши-яхши хислатларини ажиб туйғулар ила ёд айлайдилар.

Дарҳақиқат, А. Лохутий номли билим даргоҳидаги ўзгаришларни устоз Қудрат Сафаровсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Икки хонадан иборат бўлган оддий мактаб катта замонавий илм масканига айланди. Зиё маскани атрофида боғ-токзор бунёд этилди. Олижаноб инсон, буюк муаллимнинг педагогика соҳасига киритган янгиликлари ҳақида ҳам узоқ гапириш мумкин. Қисқаси, халқ таълими фидойисидан катта боғ, ажойиб гулшан — меҳнатсевар шогирдлар қолди. Улар ўз устозларини давраларда тез-тез ёдга оладилар. Бу ҳикмат эса Қ. Сафаровнинг шогирдлари қалбида абадий, мангу яшаётганлигидан далолатдир.

О. ҚУРБОНОВ.

Қашқадарё вилояти.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Китоб жавонингизга

ИСПАН ТИЛИНИ БИЛАСИЗМИ?

«Ўқитувчи» нашриёти филология фанлари номзоди, доцент Суннатулла Ризаев ва катта ўқитувчи Эшмамат Рўзиқуловларнинг «Испанча-ўзбекча-русча сўзлашгич»ини чиқарди. Ушбу сўзлашгич тематик тамойил асосида тузилган бўлиб, уни республикамиз ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ бўлган кундалик турмушда энг кўп қўлланиладиган зарурий сўзлар ва жумлалар савол-жавоб — суҳбат тарзида келтирилади.

«Испанча — ўзбекча — русча сўзлашгич»даги жами мавзулар сони саксондан ошиқ бўлиб, унда оддий салом-аликдан тортиб, маданий-маиший хизмат, фан ва маориф, испан тили ҳисобланган мамлакатлар бўйлаб «саёҳат» қилишингизга доир мавзучалар киритилган. Буларнинг ҳаммаси эса оғзаки нутқда энг кўп қўлланиладиган сўз ва ибораларни ташкил этади. — Бундай сўзлашгич республикамизда биринчи марта нашр этилди. Сўзлашгич ёрдамида ўқувчилар (китобхонлар) энг зарурий мавзуларда сўзлаша олишлари, бирор нарсани сўраб билиб олишлари ёки суҳбатдошининг сўроғига жавоб қайтара олишлари мумкин, — дейди сўзлашгич муаллифларидан бири С. Ризаев...

Дарҳақиқат, мазкур сўзлашгич мактаб ўқувчисидан тортиб, талаба-ёшлар ва илмий ходимларгача хизмат қилиши ҳамда ўзбек ва испан халқлари бир-бирларини яқиндан билишда, сиёсий, маданий ҳамкорлик қилишларида кўмаклашуви шубҳасиздир. Аммо сўзлашгичнинг бор-йўғи уч минг нусхада чоп этилганлигини «Ўқитувчи» нашриёти чет тиллар адабиёти муҳарририяти ходимлари чуқур ўйлаб кўришлари лозим. Улар ушбу қўлланмадан, яъни уч тилли луғатлардан нафақат мактаб ўқувчилари, балки испан тили ўқитувчилари, уни мустақил ўрганувчилар, сайёҳлар ҳамда интурист ходимлари, шунингдек, испан тилида гаплашишни ўрганувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишларини диққат-эътиборга олишса фойдадан ҳоли бўлмасди.

М. ҚУЧҚОРОВ.

Ю. Ражабий номли Тошкент педагогика билим юрти собиқ директор, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи

Саодат КАМОЛОВА

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касаба уюшмаси ва физика факультети профессор-ўқитувчилар жамоаси институт фахрийси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Самад ТУРСУНОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Бошланғич таълим» журнали ва «Маърифат» газетаси жамоалари журналнинг масъул котиби Маҳмуд Иброҳимовга падари бузруквори

Иброҳимжон ШЕРАЛИЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-84-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Г-529. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди. 20.00. Тираж 44761.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12